

«Сухат-саломатлик йили» давлат дастурида ихтисослашган шифохонлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Фарғона шаҳрида ҳам ихтисослашган MDS-Service клиникаси иш бошлади. Бу ерда текшириш ва ташхис қўйишда ўзига хос усуллар, замонавий ускуналардан фойдаланилмоқда. Клиника амбулатория- поликлиника муассасаларининг янги шакли бўлиб, бу ерда даволашнинг юқори малакали консультатив-диагностика ва бошқа турлари қўлланилади. Бу ерда консультатив поликлиника, ультратовуш диагностикаси, клиник-диагностик лаборатория, функционал диагностика, компьютерли диагностика, стационар даволаш ва бошқа бўлимлар самарали фаолият юритмоқда.

(ЎЗА)

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 апрел, шанба № 69 (1910)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш борасида кенг қўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ўзлуksиз таълим тизимининг асосий қисми - умумий ўрта таълим соҳасини замона талаблари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори шу мақсадга қаратилган.

Халқ таълими вазирлиги 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникасининг давлат буюртмасини ишлаб чиққан ва умумтаълим мактабларини жо-

мақбул топилган 47 қорхона ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашмоқда. Президент Ислам Каримов 29 апрел кунини ана шу кўргазмага ташриф буюрди. Унда намойиш этилаётган барча фанлар бўйича кабинет жиҳозлари, компьютер, линго-




зайни борасидаги талаб ва тақлифларни пухта ўрганиш имконини яратдишидир, - деди Юртбошимиз. - Замонавий мактаблар барпо этиш, мавжуд мактаб биноларини капитал ёки жорий таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга таълим-тарбия ишларининг маъно-мазмунига эътиборни кучайтириш, мактабларни замонавий жиҳозлар, мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар, спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури амалга ошириш учун бир триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Жорий йилда ана шу маблағнинг 450 миллиард сўмлик қисмини сарфлаш белгиланган. Шундан 42 миллиард сўм мактаб анжомлари учун мўлжал-

ландир. - Мактаб жиҳозларини таъмирлаш ва мақбулини харид қилишда энг асосий буюртмачи ўқувчилар, ўқитувчилар ва миллий таълим фидойиларидир, - деди Ислам Каримов. - Масаланинг ҳар бир жиҳатига уларнинг кўзи билан қараб, хулоса чиқармоқ даркор. Бу борада халқимизнинг «етти ўлчаб, бир кес» деган нақлига амал қилиш айни

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқитувчилар, таълим соҳаси фаоллари, махсулотлари намойиш этилаётган фирма ва қорхоналар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Фулор МИРЗО, ЎЗА мухбири А.ТУРАЕВ, (ЎЗА) олган суратлар



Бугун «Резаксой» сув омбори қурилишида



АҲАМИЯТИ - БЕҚИЁС

Ўзбекистонимиздагина эмас, Марказий Осиёдаги ирригация иншоотлари орасида ўзининг сув йиғиш ва сақлаш ҳажми жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайдиган, мамлакатимизда ўз аҳамияти ҳамда қишлоқ ҳўжалик тараккиётига етказадиган самараси бўйича иккинчи ўринда туриши мўлжалланаётган ушбу об-ҳайт манбаининг салохиятига боғлиқ рақамларни келтириш шарт эмас.

Бунга қўйидагилардан ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкинки, икки адирлик орасида арқонланган девдек ястаниб ётадиган иншоотнинг узунлиги 14-15 чакирмигача боради, биринчи навбат тўғоннинг дастлабки қисми баланглиги 48, узунлиги 1528 метрни ташкил

этади, сув йиғими эса 660 миллион кубометрга етади. Қурилиш муддати жорий йилнинг ноябр ойигача этиб белгиланган. Шунинг билан бир қаторда, у Корадарё ва Норин дарёлари қўшилишидан ҳосил бўлган Сирдарёнинг кеч куз ҳамда қиш ойларида беҳуда оқадиган бир неча

ойлик сувини ўз бағрига қабул қилиш ва вегетация (ҳосил этишириш) даврида етказиб бериш қувватига эга бўлади. Шу билан бир вақтда Фарғона водийси вилоятларини янада ривожлантиришга, яраланидан бери беҳуда мудраётган неча юз гектарлик адирлар ва дашт ерларни ўзлаштиришга, ҳатто Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳўжаликларида сув таъминотини яхшилашга, хулоса қилиб айтганда, жонажон Ўзбекистонига гуллаб-яшнашига, халқ турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.

2-бет

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Кармана туманидаги Айрончи қишлоғи аҳли кўпдан бери ичимлик суви танқислигидан азият чеки келарди. Маҳаллий ҳўкимият ва маҳалла фаоллари биргалашиб муаммони ҳал этди - қишлоқ аҳли тоза суви билан таъминланди.

Бу ишлар бошида турган туман «Сув оқова» идораси қурувчилари икки километрлик сув қувурлари ётқизди. Дамхўжа-Навҳоро магистрал қувурдан олинган сув нафақат айрончиликларнинг, балки қўшни Бурқут қишлоғи аҳолисининг ҳам эҳтиёжини қондиришмоқда.

(ЎЗА)

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, уларни миллий истиқлол гоғларига, миллий ва умминсоний кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз қиратётган сибсатининг устувор йўналишларидандир. Бу вазифа умумтаълим муассасалари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, болалар ёзги дам олиш маъсумини мароқли ўтказишини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастурида ўрта умумтаълим мактаблари билан бир қаторда мактабдан ташқари таълим муассасалари, жумладан болалар ёзги оромгоҳларида таълим ва тарбиянинг ишларини янада такомиллаштиришга оид вазифалар алоҳида қайд этилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўқувчилар ёзги дам олиш масканларида маънавий-маърифий тарбия масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда гап борди.

Маъруза қўмитаси раиси Азамат Зиё бошқарган тадбирда бу йил болалар ёзги оромгоҳларида 250 миңдан зиёд ўқувчи дам олиши таъминланди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпдир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси шу мақсадда икки миллиард сўмдан зиёд набағ ажратди. Йўлланманинг 10 фоизи қаровчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар фарзандларига текин бе-

рилади. Оролбўйи миңтақаси болаларини соғломлаштиришни ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Келажак мавсумда ўтган йилги камчиликларни такрорламаслик, ёш авлодга бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўмақлашиш, ўқувчиларнинг мактабда олган билиминини амалий машғулотлар билан бойитиш, ёзги дам олиш оромгоҳларида тўпланган тажрибаларини омдалаштириш мақсадида болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий тарбия масалаларига оид концепция ишлаб чиқилди.

Уни тайёрлашда мавжуд услубий қўлланмалар билан бир қаторда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика таълим маркази, ўқувчилар саройи, Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси каби муассаса ва ташкилотлар тавсияларидан фойдаланилди. Унда болалар ёзги оромгоҳларида ишнинг ташкил этиши, маънавий-маърифий, ахлоқий, эстетик ва экологик таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

ЖИЗЗАҲДА - «ХАЛҚ ҲИЙНЛАРИ» РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ

Ўзгал ва навқирон Жиззах шаҳрининг «Истиқлол» болалар боғида Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳўкимлиги томонидан ташкил этилган «Миллий спорт турлари ва халқ ҲИЙНЛАРИ» аънавий фестивали очилди.

Фестивални ўтказишдан мақсад, - деди ташкилот қўмитаси раиси, республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги Алишер Азиз-хўжаев тантанани очар экан, - улуг аждодларимизнинг бебаҳо ва табарук меросидан оқилонга фойдаланиш, уни ривожлантириш, миллий кадриятларимизни қарор топти-

риш, халқ ҲИЙНларини омдалаштириш, энг яхши аъналаримизни соғлом ва баркамол авлод тарбияси учун хизмат қилдиришдан иборатдир. Бу тадбирни ўтказиш жойи сифатида бежиз Жиззах танланмаган. Вилоятда миллий спорт турлари ва халқ ҲИЙНларини тиклаш ҳамда ривожлантириш бўйича муайян тажриба

Давоми 3 - бетда

Бу ёрғ жаҳонда энг катта гуноҳ инсонга озор бериш, қасддан ёки совуққонлик, масъулиятсизлик туғайли унинг умрига зомин бўлишидир. Агар шу хунук иш оқ халатлилар - баъзи шифокорлар томонидан содир этилган бўлса, нима дейишга ҳам ҳайрон бўласан киши. Барчамиз чуқур ҳис қилиб турибмиз, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. 2005 йилнинг «Сухат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда шу йўналишда Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳа ходимлари олдига катта вазифалар қўйди. Фидойи, касб-корга садоқатли тиббиёт ходимлари кечани-кеча, кундузи-кундуз демая эл саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Афсуслар бўлсинки, шифокорлар орасида баъзи бир ходимлар ҳам борки, улар кеңириб бўлмас хатоларга йўл қўйиб, кўнгилсиз воқеаларга сабабчи бўлмоқдалар.

Чуст шаҳар шифохонасининг жонлантириш бўлими реаниматолоғи Абдуфатто Назаров ҳамда травматолоғи бўлими мудири вазифасида ишлаб келган Соатлари Саримов ана шундай қимсалардан бўлиб қолди. Воқеа тафсилотига кириб борадиган бўлсак, 4 яшар Гулфиза Туялиева ўйнаб юриб қутилмаганда йиқилиб тушади ва чап оёғини синдириб олади. Уни тезликда юқорида қайд этилган касалхонага олиб келишди. Травматолоғия бўлими мудири, врач-травматолоғ С.Саримов беморни кўздан кеңиргач, синганлиги боис уни жароҳлик йўли билан даволашни маслаҳат беради. Кўп ўтмай қизча оёғининг синган қисмида жароҳлик амалиёти ўтказиб, сон суягига сини жойлаштириб гипсланади. Орадан тўрт ойча вақт ўтгач, Г.Туялиева оёғи таркибидagi сини олдириш мақсадида яна шифокорга мурожаат қилди. Шунда врач-травматолоғ С.Саримов кеңириб бўлмас совуққонлик, масъулиятсизликка йўл қўяди. Яъни, қизча оёғидаги синини олиб ташлаш учун операция қилиш зарурлигини айтди-ю, шошилинч ишга киришади. У қизчани флюорограмма ҳамда педиатр кўригидан ўтказиш лозимлигини яхши билса-да, негадир нарқоз бериб жароҳлик амалиётини ўтказди. Энг ҳайратланарлиси шундаки, операция тугагандан сўнг ҳали хушига келиб улгурмаган беморни жонлантириш бўлимида маълум муддат сақланган ҳолда, доимий назорат қилиб туриш бағоят зарурлигини била туриб, уни хушига келмасдан травматолоғия бўлимига ўтказиб, навбатчи шифокор иштиёрига топширади. Қизнинг оғир аҳволдалиги, ҳали ўзига келмаганлиги негадир шифокорни унча таш-

вишлантирмайди. Боз устига операциядан чиққан Гулфиза қарийб 5 соат мобайнида назоратсиз қолиб кетади. Тунги соат 23 ларда аҳоли ниҳоятда оғирлашиб, яна жонлантириш бўлимига ўтказилади. Бирок, шифокорлар кўплашиб қанчалик ҳаракат қилишмасин Гулфизанинг ҳаёти-

ИНСОН УМРИГА ЗОМИН БЎЛГАНЛАР

ни сақлаб қолишолмади. Бурча, Гиппократ қасамига хиёнат туғайли гулдехкана қиз ота-онасининг, жигарларининг кўксини доғлаб ҳаёт билан видолашди.

Текшириш натижалари ана шунини кўрсатдики, шифокор анестезиолоғ Абдуфатто Назаровнинг ҳам бу кўрғиликда айби кам эмас экан. У жароҳлик амалиётига беморни тайёрлаш, барча биохимик, клиник таҳлилларни аниқлашдан ва мутахассис сифатида нарқоз бериш олдидан беморнинг ҳолати, авва кечирган касалликлари, дори-дармонга чидамлилиги, тана ҳароратини пухта ўрганмасдан операцияга розилик берган. Негажаб, бемор нарқоздан сўнг анча вақт уйғонмаганлиги ҳам уни ташвишга солмаган, ёрдамга ниҳоятда муҳтож қиз узок вақт назоратсиз қолиб кетишига йўл қўйган. Аслида Гулфиза Туялиевага операция ўтказишдан олдин ёшига қараганда кўпроқ, яъни 0,2 гр ўрнига 0,5 гр миқдордаги нарқоз юборилганлиги уни ўлим ҳолатига олиб келган.

Кўйидаги фожиа эса марказий

Гиппократ қасамига хиёнат

шифохонанинг туғруқхона бўлимида акушер-гинеколог Азиза Музаева ҳамда Рислиғо Абдувалиеванинг ўз вазифасига бефарқлиги, совуққонлиги, ўтакетган даражадаги масъулиятсизлиги оқибатида содир бўлди. Узини ҳаётда бахтли инсон деб билган фуқаро Р.Марипова не-не ниятлар билан туғруқхона остонасига қадам қўйганда. У бир неча кун даволаш бўлимида саломатлигини мустаҳкамлади. Сўнг туғруқ бўлимига ўтказилди. Юқорида номлари қайд этилган шифокорлар қўлида ўйил фарзанд дунёга келди. Аммо Р.Мариповага ўғлининг дийдорини кўриш насиб этмади. Уша кезда беморга озгина меҳр, икки оғиз ширин сўз, олдатадигдек тиббий ёрдам зарур эди холос. Аммо

кўйиш, унинг саломатлигини муҳофаза қилишга ўта масъулият билан ёндошиш азалий кадрият ҳисобланади. Ушбу ўзалигимиз ва унга хос ва мос одатларимиз Конституциямизда ҳам қўйилган. Ҳар бир шахс ўзига берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан унумли фойдаланиши ҳолда, бурч масъулиятини чуқур ҳис қилиши даркор. Бу борада шифокорлар зиммасидаги масъулият алоҳида аҳамият касб этади. Ким-ким оқ халатлилар янглишмасин, хатога йўл қўймасин, деб бежиз айтишмайди. Чунки улар саъй-ҳаракати ортида инсон саломатлиги, инсон тақдири ётади.

Соҳанинг ўзига хос нозик ва мураккаб томони яна шундаки, баъзида оддий бўлиб қўриган камчилик ҳам ким учундир қимматга тушиши мумкин. Кези келганда таъкидлаш жоиз, баъзи одамлар ўз яқинларини касалхонага жойлаштиригач, ишимиз битди, буёғини шифокорларнинг ўзлари қўйил қилишди, деган фикрга борадилар. Демокримизки, беморнинг ҳолати, тақдири билан лозим даражада ва вақтида қизиқмайдилар, жонбозлик кўрсатмайдилар. Юқорида таъкидланганидек, қайсидир шифокорнинг қўпол хатоси туғайли кўнгилсиз ҳолат юзага келганида эса қўргилик эканда, деяр тақдирга тан бериб кетувчилар ҳам афсуски йўқ эмас. Вақоланки, камчиликларга, масъулиятсизликка, совуққонликка, бурча хиёнат масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Бундай ҳолатлар юза-сидан сулга мурожаат этиш зарур. Негаки, уларга нисбатан ўшар муносабат билдирилмасе, жиноят даражасидаги хатоларга муносабат баҳо берилмасе, камчиликлар илди эртади ва у охири-оқибат барчамиз учун қимматга тушади. Инсондан азизи, ҳаётдан ширини йўқ, Айтнинг-айтинг ҳеч ким бу ёрғ дунёдан армон ила кетмасин.

Ғанишер АБДУСАЛОМОВ, Даулетбай МАДЕНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси судларда жиной ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурорлари

БУГУН "РЕЗАКСОЙ" СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИДА

Қурилиш билан танишиб юрар эканмиз, бетон қуювчилар кўпчилигини ташкил этишини ва иншоот қурилишида ушбу йўналишдаги юмуш кўп жойда амалга оширилаётганини кўрдик.

— Бу табиий ҳол дейишди мулоқот чоғида суҳбатдошларимиз. — Лойihalаш-муҳандислик тегириувлари жараёнида кўп жойларда тупроқ эрозияси юз берганлиги, ернинг устки, каттик қатлами у ёки бу сабаб билан емирилиб кетганлиги аниқланди. Табиийки, бундай ҳолатда сувни тутиб туришини иложи йўқ. Шу боисдан иншоотда улкан ҳажмида бетон ишларини бажаришга тўғри келяпти.

Маълумки, қурилишнинг бу соҳаси катта меҳнат ва маҳоратни талаб қилади. Яширадиган жойи йўқ, ушбу йўналишда ҳали кўп ишларни қўл кучи билан бажариш зарурияти тўғрисида. Неъматжон Гофуров бригадирлик

тўплаган ва шундай йўналишда Ўзбекистон ҳамда бизга кўшни Марказий Осиё давлатларидаги қатор ирригация иншоотларини бунёд этишда иштирок этишган, — дейди Н.Гофуров.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, бетон қуювчи астойдил табриклашга одатланганмиз.

Бетон қуювчилар, умуман, иншоот бунёдкорлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган. Шундоқ қўл узатсанг етгулик жойда барпо этилган қурувчилар шаҳарчасидаги тайёрлана-

— Қурилиш бошланганидан бери унча-мунча одам тасаввурига сигдиролмайди деган ишлар бажариб кўйилди, — дейди хайрлашимиз олдидан суҳбатдошимиз. — 3 миллион кубометрга яқин шағал ташилиб, 11 миллион кубометрдан кўпроқ бетон қўйилди. Биз бунёдкорлик ишларимизни бир дақиқа бўлса-да, бўшаширмаликка бел болаганмиз.

Шу кунги сув омборини бунёд этиш жараёнида мардона меҳнатлари билан оғизга тушган хайдовчилар Абдусалом Авазов, Жумакул Хушназаров, Мухиддин Оппоқов, бўльдозерчи ва скрепёрчи Санжар Хамидов, Жумакул Бобоев, Шариф Асатуллаев, Илхом Шарипов ва бошқалар билан танишиб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлдик.

БУ АНОРЗОРЛАРНИ ТАНИЁЛМАЙ ҚОЛАСИЗ

Барпо этилаётган сув омборининг ўнг томонида вилоят-деҳқончилик ва сув ҳўжалигига қарашли анорчиликка ихтисослашган тажриба хўжалиги жойлашган. Купкуруқ ва яралганидан бўён бекор ётган серунум адирда шундай хўжалик ташкил этиб тўғри қилинган айна дамларда ўз исботини топмоқда. Бу ерда 300 гектардан ортқ дашт ер ўзлаштирилиб, унинг асосий қисмида анор, қолган 50-60 гектар майдонда бошқа экинлар етиштириб келинмоқда. Юзга яқин турар-жой барпо этилиб, хўжалик меҳнатқариларининг оилалари истиқомат қилинмоқда.

Хар йили адирликдан ўн беш-йигирма гектардан ер ўзлаштирилса-да, бу ишни янада авж олдирилишига сув етишмаслиги ғов бўлаётган эди. Сув омбори барпо этилиши хўжалик меҳнат аҳлини ғоят мамнун қилмоқда ва уларни келгусида янада юксак режалар тузиб, шу асосда иш ташкил этишга қармоқда.

Хўжалик раҳбарларининг айтишларича, яқин уч-тўрт йил ичида анор етиштиришга ихтисослашган вилоятдаги энг кичик хўжалик ҳам Наман-

гандагина эмас, бутун Ўзбекистонда пешқадам меҳнат жамоаларидан бирига айланади. Шу билан бир қаторда анорнинг турли хил навларини кўпайтириш, синаб кўриш ва оммалаштириш имкониятлари вужудга келади.

— Беш-олти йилдан сўнг хўжалигимиз анорзорларига ташриф буюрган киши уни таний олмай қолади, — дейишмоқда улар. — Сув омборига туташ далаларимиз четида сунъий арчазор ўрмонлар, салқин об-ҳавога мослашган манзарали дарахтлар бунёд этамиз. Анорзор ва узумзор боғларимиз эса буғунгига қараганда уч-тўрт баробарга кенгайди. Хўжалигимиз маркази ободонлашади, янги турар-жойлар, маданият, маший бинолар, тиббиёт шохобчалари, янги мактаблар, болалар боғчаларини бунёд этамиз.

Ҳа, хўжалик боғбонларининг қувонганларича бор. "Резаксой" сув омбори беҳуда ётган неча юзлаб гектар даштликларни ўзлаштиришга имкон туғдиради, халқ турмуш фаровонлиги юксалишига, кишлоқларимиз ободончилигига, иқлимнинг янада мусаллаблашиб, инсонлар умри узайишига хизмат қилади.

БЕТОН ҚУЮВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

тўлган, ўт-олов йигитларнинг аксарияти "Тўпаланг-сув ГЭС қурилиши" масъулияти чекланган жамият ишчилари экан. Маълумки, ушбу жамоа сув омбори қурилиши биринчи навбатини бунёд этиш учун ўтказилган тендер танловида ғолиб чиққан.

— Йигитларимизнинг ҳаммаси сув омбори қурилиши бўйича тажриба

бригадалари ўртасида иш ҳажми ва сифати бўйича ўзаро беллашув ташкил этилган экан.

— Тўғри, илғорларга мукофотлар берилади, аммо буни асло рақобат деб тушунмаслик керак, — дейди Неъматжон. — Бир сафар биз ғолиб чиққан бўлсак, кейинги сафар бошқа беллашувда ютиб чиққанларни чин юракдан

ётган таомлар сифати шаҳарлардаги ошхоналардан қолишмайди.

Ишчилар бу ерда нонушта қилишади. Тушлик эса улар меҳнат қилаётган жойларга етказиб берилади. Кечқурунлари асосан қурувчилар шаҳарчасида овқатланирилади. — Аммо кечки сменада қолиб ишлаётганлар учун шу ерга келтириб берилади.

Баҳор ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Биз сув омбори қурилиши буюртмаси ҳисобланган вилоят 9-қурилаётган қорхоналар бирлашган дирекцияси бўлим бошлиғи Соҳибжон Улжабо-

ев билан тонгда-қуёш ўфқдан чараклаб чиқаётган паллада учрашдик. Лекин сал ўтмай осмоннинг туси ўзгарди. Асрий қорлардан тож кийган тоғ тепасида пайдо бўлган шапалоқдек булут

тобора катталашиб, офтоб юзини тўсди-қўйди. Бу ҳам етмагандек довон томондан шамол эса бошлади. Чанг-тўзон кўтарилди. Аммо иш суръати ўзгарганлигини сезмадик.

Қудратли автомашиналар пешма-пеш юқорига кўтарилар, экскаваторлар эса пўлат хартуларини олдинга узатганича темир қовушлар билан ўзанини кенгайтиришар, бир кун олдин тунда портлатилган жойдан бўшаган "юк"ни белгиланган жойга элтишни таъминлашарди. Ҳамма ўз иши билан банд. Автомашиналар чуқуридек ҳар томонга ўрмалашаётган, экскаваторлар гуриллаб ишлаб турган, бетон қурувчилар муҳандис томонидан кўрсатилган нуқталарни мустақамлаётган бир пайта кимлар яхши ишлаяпти, зиммаларидаги топшириқларни орттириб бажараяпти, деб сўрашнинг ўзи ноқулай. Хуллас, бирон жойда бирон кишининг бекор турганини учратмадик. Ғўё бир дақиқа салом-алик ҳам уларга малол келадигандек, иш қўламга таъсир қиладигандек. Техниканинг гулдирган садолари орасида саломлашамиз, имо-ишоралар остида ҳол-аҳвол сўрашган бўламиз.

Йўл-йўлакай иш бошқарувчиларга кўрсатмалар бериб, рўпара келган кишилар билан гоҳ қўл узатиб, гоҳ шунчаки саломлашиб бораётган ҳамроҳимиз, қурилиш бошлиғи Муродкул Ашрапов ҳолатимизни тушунди-да, қулди:

— Мақолагинг учун қаҳрамон танлаб олма-яписизми? Шошилманг, учраштириб қўяман, уларни ҳали сизга!

Шу тариқа қурилиш билан танишишда давом этар эканмиз, навбатдаги автомашинага харсанг бўлақларини юклаб олган ва биз томонга қараб, чамаси, бошлиққа салом маъносида қўл силкитиб кўйган экскаватор машинистига М.Ашрапов "наста туш" дегандек ишора қилди.

— Меликул Субхонов, — деди у ҳалиги йигит экскаваторини тўхтадиб, келиб биз билан кўришаётганда. — Жамоамиз байроқдорларидан. Ҳамиша белгиланган топшириқларни бир ярим-икки баробарга бажариб келяпти. Ўз машинаси билан жуда яхши "тил топишган". Масалан, кейинги беш-олти ой ичида бирон марта Меликулнинг экскаватори тўхтаб қолди, ўзи вақтинча хор-

дик чиқараяпти, деган гапни эшитганим йўқ. Хозир қандай ишлаётган бўлса, куз изғиринида-ю, қиш чилласида ҳам шундай меҳнат қилган.


Бошлиқнинг маълумот беришича, шу кунда қурилатилган жойдан бўшаган "юк"ни белгиланган жойга элтишни таъминлашарди. Ҳамма ўз иши билан банд. Автомашиналар чуқуридек ҳар томонга ўрмалашаётган, экскаваторлар гуриллаб ишлаб турган, бетон қурувчилар муҳандис томонидан кўрсатилган нуқталарни мустақамлаётган бир пайта кимлар яхши ишлаяпти, зиммаларидаги топшириқларни орттириб бажараяпти, деб сўрашнинг ўзи ноқулай. Хуллас, бирон жойда бирон кишининг бекор турганини учратмадик. Ғўё бир дақиқа салом-алик ҳам уларга малол келадигандек, иш қўламга таъсир қиладигандек. Техниканинг гулдирган садолари орасида саломлашамиз, имо-ишоралар остида ҳол-аҳвол сўрашган бўламиз.

Йўл-йўлакай иш бошқарувчиларга кўрсатмалар бериб, рўпара келган кишилар билан гоҳ қўл узатиб, гоҳ шунчаки саломлашиб бораётган ҳамроҳимиз, қурилиш бошлиғи Муродкул Ашрапов ҳолатимизни тушунди-да, қулди:

— Мақолагинг учун қаҳрамон танлаб олма-яписизми? Шошилманг, учраштириб қўяман, уларни ҳали сизга!

Шу тариқа қурилиш билан танишишда давом этар эканмиз, навбатдаги автомашинага харсанг бўлақларини юклаб олган ва биз томонга қараб, чамаси, бошлиққа салом маъносида қўл силкитиб кўйган экскаватор машинистига М.Ашрапов "наста туш" дегандек ишора қилди.

— Меликул Субхонов, — деди у ҳалиги йигит экскаваторини тўхтадиб, келиб биз билан кўришаётганда. — Жамоамиз байроқдорларидан. Ҳамиша белгиланган топшириқларни бир ярим-икки баробарга бажариб келяпти. Ўз машинаси билан жуда яхши "тил топишган". Масалан, кейинги беш-олти ой ичида бирон марта Меликулнинг экскаватори тўхтаб қолди, ўзи вақтинча хор-



МАТОНАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Чуст тумани марказини ортда қолдириб биз юқорида хикоя қилган иншоот чегарасида ута бошладик. Йўл анча баландликда ястанганидан қаёққа қараманг, осмонда ҳам, бўлажак сув омборининг улкан ва узундан-узоқ чўзилган ўзани узра ҳам беҳисоб чироқлари-юлдузлар чарақлайди. Қизик, улардан қайси бири Меликул экскаваторчиники экан? Унинг ҳамкасб дўстлари Саъдулла, Миррахмат, Абдуллолар ҳам хозир унинг яқин атрофида ишлаётгандир...

Ажабо, Меликул ва унинг ҳамкасблари, иншоотда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам ер юлдузлари эмасми? Зеро, уларнинг пойқадами етиб, ҳосил бўлган сунъий денгиз асрлар оша инсоният бахт-саодати учун хизмат қилади.

Бу "денгиз"ни ҳали сиз кўрмагансиз. "Резаксой" деб аталувчи ва қўлга тушган Жайхун балисидек ҳар икки тарафда юксалган адирлик орасига қамалган об-ҳаёт ҳар қандай кишининг эътиборини тортмасдан қўймайди. Айтишларича, сув омбори осмондан қаралганда ажабтовур кўринар эмиш. "Сирдарё" деб аталмиш дев нимадир олмоқчи бўлгандек, ўнг қўлини адирлик оралигига узатган-у, шу ерда уни кўтиб турган овчи қолқонига илиниб қолгандек. Шу ҳақдаги ўхшатишимизни қурилиш бошлиғи Муродкул Ашраповга айтганимизда у қулди.

— Сиз, қаламқашлар хўпам гапни олиб қочасизларда, лекин холисанилло айтганда киёслашларингизда жон бор. Ростдан ҳам қураётган сув омборимиз Сирдарёнинг адирликлар оралигига узатган қўлига ўхшади.

Хаёлан турли туман ва ранг-баранг кушлар харх ураётган сунъий денгизга тикиламиз.

Кўкитмир об-ҳаёт мавж ураётган манбаанинг хар икки тарафидаги баландликни адирлик деб айтишга ҳам тил бормай-

МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР

ди. Қирғоққа чўзилган тоқзорлар, анорзорлар кўзни қамаштиради. Новадаларда турли ранг ва турдаги узум бошлар, шохлардаги қизғиш анорлар нигоҳингизни қувонтиради. Улар ўзларини нега асрлик уйқудан уйқотганликларни, тупроқ остида яширинган бойликла-

рини инсонга тортиқ қилишга муяссар этганликларини учун миннатдорчилик билдиришаётгандек.

Чап томонда эса сўнгсиз ўрикзор ва олмазор боғлар. Бодроқдек ўрик ва пушти ранг олмагуллари вужудингиздаги

келган меҳмонлар кетишяпти. Улар водийни томоша қилиш учун атайлаб ташриф буюришган. Хилма-хил гиёҳлар ва гуллар барқ уриб ўсаётган соҳилда эса турли ёшдаги ва вилоятнинг кўп жойларидан келган хаваскор балиқчилар. Ҳаммасининг қўлидаги қармоқ калтакчалари, гоҳ-гоҳ ўлжа илинган овчининг ҳаяжонли қичқириви қўлнингизга чалинади. Кўз олдингизда чайқалиб, шалоплаб қирғоққа урилаётган беваранжом мовий тўлқинлар. Лекин бу тўлқинлар дев сингари қафасдан қутилиб осмонга учшини ўйламайди. Улар халқимиз бахт-саодати, она юртимиз учун хизмат қилади. Бу кунлар узоқ эмас.

О. ЖУМАНАЗАРОВ "Ишонч" муҳбири



«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма Марказий Кенгаши Бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

ЖАВОБ: Ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз. Ходим катта миқдорда зарар етказган бўлса, ёки ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг унинг етказган зарари аниқланса, бу масала қандай ҳал қилинади?

М. ЗОХИДОВ, Пахтачи тумани

Ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

ХОДИМНИНГ ИШ БЕРУВЧИГА ЕТКАЗГАН ЗАРАРИ ҚАЙ ТАРЗДА ҚОПЛАНАДИ?

асосан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат (198-210-моддалар) ва Ҳуқуқролик (985-модда) кодекслари асосида тартибга солинади.

Ходимнинг моддий жавобгарликка тортиш учун бер вактининг ўзида қуйидаги шартлар бўлиши зарур:

- ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлиши;
- зарар ходимнинг ноқонуний характери ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши;
- етказилган зарар билан ходимнинг ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши;
- зарар етказишда ходимнинг бевосита айби бўлиши.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар ходимнинг ноқонуний характери ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлишида, ходимнинг қонунда ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар, яъни ички меҳнат тартиби қоидалари, интисом тўғрисидаги низоомлар, уставлар, йўриқномаларда белгиланган ҳизмат вазифаларини буюши ёки бажармаслиги тушунилади. Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат билан таққиланган ҳаракат ғайриқонуний ҳисобланади.

Агарда зарар, ун бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал ҳужжатлик таваккалчилиги оқибатида, охири зарурат ёки зарурий муҳофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг ҳаракатлари ноқонуний, деб ҳисобланмайди ва уни моддий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Ходимга моддий жавобгарликни юклатиш учун зарар етказишда унинг айби бўлиши зарур ва бу айб қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

Меҳнат қончилигида ходимларнинг моддий жавобгарлиги чегараланган бўлиб, бундай жавобгарлик чекланган ҳамда тўлиқ моддий жавобгарликдан иборатдир.

Иш берувчи зарарни муайян ходимдан ундириб олиш тўғрисида қарор (буйруқ чиқаришдан) қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадига текшириш ўтказиши шарт.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун иш берувчи биринчи навбатда ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Ходим тушунтириш хати бериши рад этиши иш берувчига уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишга тўсқ бўла олмайд.

Бу ҳолда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иштирокида далолатнома тузилади.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотилган бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Меҳнат кодексининг 202-моддасига асосан, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

- 1) махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 3) қасддан зарар етказилганда;
- 4) алкоголь ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;
- 5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;
- 6) тижорат сирлари ошкор этилганда;
- 7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати муассасанинг жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши зарур. Агар

у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касоба уюшма кўмитаси ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган қорхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўлаш ботида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгалладиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати 1996 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги коллежиясининг 2/4-сон қарори билан тасдиқланган.

Муассаса билан бу кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажараётган ходимлар ўртасида тўла моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузишда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши зарур:

- а) ходим 18 ёшга тўлган бўлиши;
- б) қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган бўлиши.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ва бир нусха ходимда, иккинчи нусха иш берувчида сақланади.

Ходимга ишониб топширилган моддий қимматликларни сақлашни таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни юклатиш ҳақидаги буйруқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ўрнини босмайди.

Ходим муассасага келтирилган зарарни иккитерий равишда қисман ёки тўлиқ тўлаши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи ва ходимнинг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати келишувчи қоплашига йўл қўйилиши ва ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият бериши мумкин. Агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилса ва зарарни тўлашдан бош тортса, қарзининг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг буйруғи асосида ундирилади. Буйруқ зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши керак.

Агарда етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши керак бўлган миқдори унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, ёхуд ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса зарар суд орқали ундирилади.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳолини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини қаматириши мумкин.

Иш берувчи, бухгалтерия ходимлари шуни ёддан чиқармасликлари кераки, иш ҳақини зарар келтирилган ходимга ҳар гал тўлаш вақтида иш берувчининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида ушлаб қолинганда ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги зарур.

Айниқса, Эргашўжа Дадаҳўжаев раҳбарлигидаги дорбозларнинг «Полвонлик ўйинлари» томошаси узага ҳослиги билан ажралиб турди. Дадаҳўжаевлар сулоласидан бўлган Баҳодирхўжанинг занжирини билгади билан тортиб узиши, 24 ёшли Бахтиёрхўжанинг полвонлик чиқишлари, 15 ёшли Дониёр Темиров намойиш этган миллий ўйинлари кўпчилигида катта таассурот қолдирди.

Шу ўринда фестивал иштирокчилари фикрига қулоқ тутамиз: Кимёхон Қосимжонова, Ангрэн шаҳар «Уланчилар» гуруҳи раҳбари:

— Фестивалда халқимизнинг ҳаракатли ўйинлари билан бирга сўз ўйини-ўланчиликка ҳам ўрин берилган деган мамнўнман. Яқинда Ангрэн шаҳрида «Уланчилар ва лапарчилар» фести-

ГОЛИБЛАР - КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Айни кунларда жойларда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касоба уюшма ташкилотлари томонидан турли соҳа ходимлари ўртасида спартакиада беллашувлари бўлиб ўтмоқда. Кўни кеча Тошкент вилоятининг Бўстонлик ва Оккўргон туманларидаги спорт мажмуаларида ана шундай мусобақалар ўтказилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кенгаши ташкилотчилигида бўлиб ўтган тармоқ спартакиадасининг ушбу ҳудудий мусобақалари Сихат-саломат-

лик йилига бағишланди. Бўстонлик туманидаги академик лицей спорт мажмуасида ўтказилган мусобақаларда мезбонлардан ташқари Паркент ва Юқори Чирчиқ туманлари вакиллари иштирок этишди. Улар стол тенниси, волейбол, шохмат ва шашка бўйича голиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақага яхши тайёргарлик кўрган Паркент тумани жамоаси аъзолари деярли барча тур беллашувларида кўтаринкилик билан иштирок этишди. Чунинчи, аёллар волейбол жамоалари иштирокидаги баҳсларда паркентлик спортчилар барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсулага кўтарилдилар. Паркентликлар хотин-қизлар ўртасидаги шохмат ва шашка баҳсларида ҳам биринчи бўлишди. Шунингдек, стол тенниси ўйинларида туман шарафини ҳимоя қилган Шахноза Тўрабоева биринчи ўринни эгаллаб, умумжамоа галабасига катта ҳисса қўшди. Натижада паркентлик шифококор-спортчилар энг кўп очко тўплаб, умумий ҳисобда биринчи ўринни кўлга киритдилар. Кейинги ўринлар эса Юқори Чирчиқ ва Бўстонлик туман жамоаларига насиб этди.

Оккўргонда бўлиб ўтган ҳудудий босқич мусобақаларида эса мезбонлар билан бирга Қўйи Чирчиқ ва Беко-



бод туманлари жамоалари иштирок этди. Қизгин ва муросасиз ўйинларга бой бўлган беллашувларда мезбонларга омад кулиб бодди. Ф.Юсупов (шашка), А.Фаниев, М.Абдувалиева (шохмат), Б.Дадабоев, Н.Яқоменко (стол тенниси) сингари оқўргонлик спортчиларга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, волейбол мусобақасида ҳам туман жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шунга кўра умумжамоа ҳисобида оқўргонликлар биринчи ўринни эгаллашди. Бекободликлар иккинчи, қўйи-чирчиқликлар учинчи ўринга муносиб топилди. Мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбири

Касоба уюшма тадбири

Яқинда соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма Хоразм вилоят кенгашининг Сихат-саломатлик йилига бағишланган аёллар спартакиадаси ўтказилди.

Баҳсларда ўнта туман, шунингдек, вилоят 1-сон клиник шифохонаси, шошилиқ тиббий ёрдам маркази, санитария-эпидемиология назорат маркази ва Питнак шаҳар марказий шифохоналари жамоалари иштирок этидилар.

Спартакиаданинг волейбол тури бўйича Шовот тумани спортчилари биринчи, янгибозорликлар иккинчи, янгириқликлар учинчи ўринни эгалладилар. Стритбол бўйича гурланликларга биринчи, янгириқликларга иккинчи, янгибозорликларга учинчи ўрин насиб этди. Енгирил атлетика бўйича 35 ёшгача аёллар ўртасида вилоят 1-сон клиник шифохонаси биринчи, Шовот тумани марказий шифохонаси иккинчи, вилоят санатория-эпидемиология назорат мар-

кази спортчилари учинчи ўринни эгалладилар. 35 ёшдан катта аёллар ўртасида янгибозорлик спортчилар биринчи, қўшқўпирлик спортчилар

кази спортчилари учинчи ўринни эгалладилар. 35 ёшдан катта аёллар ўртасида янгибозорлик спортчилар биринчи, қўшқўпирлик спортчилар

ОММАВИЙЛИКДА ГАП КЎП

иккинчи, боғотликлар учинчи ўринни эгалладилар. Стол тенниси бўйича 35 ёшгача аёллар ўртасидаги беллашувларда вилоят шошилиқ тиббий ёрдам маркази жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Стол тенниси бўйича 35 ёшдан катта аёллар ўртасида Янгириқ тумани вакилларига тенг келадиган жамоа топилмади. Шовот тумани иккинчи, вилоят шошилиқ тиббий ёрдам маркази спортчилари учин-

чи ўрин билан кифояланмади.

Шашка бўйича эса биринчи ўрин янгириқликларга, иккинчи ўрин қўшқўпирликларга, учинчи ўрин питнакликларга насиб қилди.

Сузиш бўйича ўтказилган беллашувларда шоши-

лиқ тиббий ёрдам маркази спортчилари биринчи ўринни, Хонқа тумани марказий шифохонаси иккинчи, вилоят санатория-эпидемиология назорат маркази спортчилари учинчи ўринни забт этидилар.

Умумжамоа ҳисобида янгириқлик тиббиёт ходимлари биринчи ўринни эгалладилар.

Спартакиада голиблари муносиб тақдирландилар.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

СОҒ ТАНДА - СОҒЛОМ АҚЛ

Жисмоний тарбия ва спорт инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий қамолотини ҳам асосий омил ҳисобланади. Зеро, спорт иродани тоблайди, кийинчиликлари чидама ва сабот билан енгиб ўтишда яқин кўмақдош бўлади. Айниқса, унинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Хар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган талаба ёшлар ўртасидаги вилоят мусобақасининг бу галги беллашувлари ушбу фикримизни яққол исботлади.

Мусобақа «Соғ танда - соғлом ақл» шиори остида ўтказилиб, унда вилоятимиздаги тиббиёт олий ўқув yurtлари ҳамда ўрта махсус билим мўсақналарида таълим олаётган юз нафардан ортиқ талаба иштирок этди. Улар волейбол, стол тенниси, шохмат, шашка ва енгил атлетика каби оммавий спорт турлари бўйича беллашувларда голиблик учун қизгин кураш олиб боришди.

Таъкидлаб ўтилганидек, кескин ва муросасиз курашлар остида кечган мусобақада Бухоро Давлат тиббиёт институти талабалари кўтаринки кайфиятда иштирок этиб, биринчи ўринни кўлга киритдилар. Гиждувон ва Бухоро тиббиёт коллежлари жамоаларига эса кейинги ўринлар насиб қилди. Уларга вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кенгашининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

Ш.СУЛТОНОВ,

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кенгаши раиси

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастуриди мамлакатимиздаги барча қорхона ва ташкилотларда меҳнат шариотлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш вазифаси белгиланган. Дастурга мувофиқ Фарғона вилоятининг 32 қорхонада саккиз юзга яқин иш ўрни аттестация қилинди.

ИШ ЎРИНЛАРИ АТТЕСТАЦИЯСИ

Мақсад - ишчи-хизматчиларга санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шариотлари яратиб берилишини таъминлашдан иборат; - дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармасининг эксперти Т.Худойбердиев. - Аттестация давомида биологик, физикавий, кимёвий, оғирлик, зўриқиб ва бошқа зарарли омиллар таъсири остидаги иш ўринлари аниқланиб, шундай шариотда меҳнат қилаётганлар учун имтиёзли пенсияга чиқариш, қўшимча таътил бериш, қисқартirilган иш вақти жорий этиш, махсус озиқ-овқатлар билан таъминлаш чоралари белгиланади. Шу йилнинг биринчи чорагида «Қабул-Фарғона КОЛТД» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида юзта, Тошкент туманидаги «ДЭУ-текстиль» қўшма корхонасида ўттизта, «Кўқонспирт» акциядорлик жамиятида етмишта иш ўрни тегишли лабораториялар томонидан аттестация қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Айни вақтда «Узсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, «Кўқон ёғмай», «Иссиқлик манбаи», «Фарғондон», «Феркон» қорхоналарида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича тадбирлар тузилиб, дастур ижроси юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

(УЗА)

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ: НАЧИСЛЕНИЕ И ВЫПЛАТА ДОХОДОВ ПО ЦЕННЫМ БУМАГАМ ОАО «5-ТАКСИСАРОЙ»

Порядковый номер сообщения - 05
- Вид ценных бумаг по которым выплачиваются дивиденды привилегированные;
- дата принятия эмитентом о выплате дивидендов - Общее годовое собрание акционеров;
- срок выплаты дивидендов по акциям - до 6 июня 2005 года;
- размер дивиденда начисленного и выплачиваемого на одну акцию выше указанной категории - 340,5 сум;
- Общее количество акций одной категории, по которым начислены и выплачиваются дивиденды - 522 привилегированных акций;
- форма выплаты начисленных дивидендов - денежные средства.

НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА ОАО «5-ТАКСИСАРОЙ»

Порядковый номер сообщения - 07
- дата принятия эмитентом решения - 18 марта 2005 г;
- дата на которую составляется список владельцев ценных бумаг - 28 марта 2005 г;

РЕШЕНИЯ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «5-ТАКСИСАРОЙ»

Порядковый номер сообщения - 09
- вид общего собрания - очередное годовое;
- форма проведения общего собрания - очная;
- дата проведения общего собрания - 27 апреля 2005 г;
- место проведения общего собрания - г.Ташкент, ул. Арнасай 7а;
- кворум общего собрания - 57610 акций - 77,0 %
- вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним;
1. Отчет Председателя Правления о финансово-хозяйственной деятельности ОАО за 2004 г.
Голосовали: за - 97.20%, против - 2 %, воздержавшихся - 0,8%
2. Утверждение баланса предприятия на основании Заключения аудитора.
Голосовали: за - 97.20%, против - 2%, воздержавшихся - 0,8%
3. Утверждение Заключения Ревизионной комиссии.
Голосовали: за - 98.20%, против - 1%, воздержавшихся - 0,8%
4. Утверждение бизнес-плана на 2005г.
Голосовали: за - 97.60%, против - 1.1%, воздержавшихся - 1.3%
Утверждение аудитора на 2005 г.
Голосовали: за - 97.70%, против - 1%, воздержавшихся - 1.3%
Отчет Наблюдательного Совета за отчетный период.
Голосовали: за - 98.00%, против - 1.1%, воздержавшихся - 0,9%
7. Выборы Наблюдательного совета ОАО.
Голосовали: за - 98.50%, против - 1.5%, воздержавшихся - нет.
8. Выборы Председателя Правления ОАО.
Голосовали: за - 90.50%, против - 1%, воздержавшихся - 8.5%
9. Выборы Ревизионной комиссии ОАО.
Голосовали: за - 98.10%, против - 1.0%, воздержавшихся - нет.

10. Заключение контракта с Председателем Правления на 2005 г.

Голосовали: за - 97.70%, против - 1%, воздержавшихся - 1.3%
11. О вознаграждении членов Правления, Наблюдательного совета, Ревизионной комиссии, утверждение сметы расходов.
Голосовали: за - 97.70%, против - 1.1%, воздержавшихся - 1%

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

1. Утвердить годовой отчет и финансовые результаты ОАО «5-Таксисарой» за 2004 г.
2. Утвердить баланс предприятия за 2004г.
3. Утвердить заключение Ревизионной комиссии.
4. Утвердить распределение чистой прибыли по итогам 2004 г. и направить на выплату дивидендов по привилегированным акциям и резервный фонд.
5. Утвердить бизнес-план на 2005г.
6. Утвердить на 2005 г. и качества аудитора ОАО ЧФ «АММ-АУДИТ»
7. Утвердить отчет Председателя Наблюдательного совета ОАО.
8. Утвердить новый состав Наблюдательного совета ОАО на 2005 г.
9. Назначить руководителем исполнительного органа Ф.Ш.Шоабдурахимов и заключить с ним контракт на 2005 г.
10. Утвердить новый состав Ревизионной комиссии на 2005г.
11. Утвердить размер вознаграждения членам Наблюдательного совета - ежемесячно 2МРОТ, членов Правления ОАО - 1оклад по итогам года, Ревизионной комиссии - 0,5% от чистой прибыли по итогам года.

Изменения в персональном составе Должностных лиц ОАО «5-Таксисарой»

Порядковый номер сообщения - 10
- орган управления эмитента, в котором произошли изменения - Наблюдательный совет и Ревизионной комиссии
- фамилия, имя, отчества избранного лица и лица полномочия которого прекращены:
Наблюдательный совет:
- выбраны:
Шоабдурахимов Ш.Ш. ИФ «Капитал-Инвест» 15 % 11580 акций
Абдул-Ахдов А. ОАО «Узавотрансбутил» 5.7% 4167 акций
Хасанов И.И. акционер ОАО 1065 акций
Ибрагимов Б.Т. Пред.Профкома ОАО 31 акций
Багбеков А.Д. ОИФ «Ишонч» 7.5% 5512 акций
Алаев А.Т. ОИФ «Хамрох-Инвест» 17.5% 7350 акций
Арипов Х.Т. ИФ «Капитал-Инвест» 25% 18374 акций - выведен
Исмаилов Б.У. СП «Миссисили» 25% 18374 акций
Ревизионная комиссия
- выбраны
Александрова В.В. ИФ «Капитал-Инвест»
Хакимов С. акционер ОАО
Иргашев Б. акционер ОАО
- выведена:
Нартикова В.Б. СП «Миссисили»
Исполнительный орган
- выбран
Шоабдурахимов Ф.Ш. Председатель правления ОАО - уполномоченный орган, принявший решение - общее собрание акционеров
- дата, в которой произошли изменения - 27 апреля 2005г.

ЖИЗЗАХДА - «ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ» РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ

(Боши 1-бетда)
Дастлаб сахнада Жиззах вилояти фольклор-этнография дасталар чиқиш қилишди. Шундан сўнг қуръа ташлаш йўли билан вилоятлардан ташриф буюрган иштирокчиларга навбат этиб келди. Фарғона, Навоий, Бухоро, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари фестивал низомида белгиланган шартга кўра 10 худудларига хос бўлган 10 турдаги ўйинларни намойиш этидилар. Куннинг иккинчи ярмида Хоразм, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган вилоятлари жамоаларининг чиқишлари, томошабинлар зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Ҳакамлар ҳар бир жамоа намойиш этган ўйинларни диққат билан кузатиб, тегишли баҳосини бериб боришди.

ОАО «ШАРҚ ЗИЁКОРИ»

Сообщает об изменении даты проведения годового общего собрания акционеров. Годовое общее собрание акционеров состоится 11 мая 2005 года в большом зале ИПАК «Шарқ» в 16.00. Регистрация участников начинается с 15.00. Просьба к акционерам иметь при себе паспорт или другой удостоверяющий личность документ.

Наблюдательный Совет

ЭНГ ЯХШИ ИНШОЛАР УЧУН


Бой ва жозибдор ўзбек тилини мамлакатимизда истикомат қилаётган бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам севиб ўқиб-ўрганишмоқда. Таълим бошқа тилларда олиб борилаётган умумтартаълим мактаблари ўқувчиларнинг бу тилга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида «Давлат тили - фахримиз, гуруримиз» деган мавзуда иншолар танлови ўтказишга киришилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ҳамда «Маришат» газеталари ташаббуси билан уюштирилган бу маърифий тадбир бўйича ишлаб чиқилган Низомга кўра танлов тўрт босқичда ўтказилади. Иштирокчиларнинг ёзган иншонига қўйиладиган умумий баҳо 100 баллдан иборат бўлади.

Яқунловчи босқич фолиблари - ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун - 21 октябрда эълон қилинади. Фолиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

ШАНБА - ЭРДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Бу - қизиқ АФСОНаВИЙ ИЛОН
Икки бошли, уч бошли ва бошқа ваҳимали илонлар ҳақидаги афсоналарни ёшларимизга қисқартиб айтишимиз керак. Лекин бундай илон табиатда ҳақиқатан ҳам учраб экан.



А.АЛИЕВ

Донолар бисотидан ИМОМ АБУ МУСЛИМ ИБН АЛ-ҲАЖЖОЖ РИВОЯТЛАРИДАН

Барча яхшилик - хушхулликдадир. Барча гуноҳ ва ёмонлик - дилдаги гашлик ва одамлар кўзига уятли ишдадир.

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, вадасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Уйқудан уйғонган одам қўлини то у марта юмалганча идишга тикмасин, чунки у билмайдики, қўли қаерларда тунаган.

Қайси бирингиз ўзингиздан бойроқ ёки кўракмроқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва хунроқ одамлар ҳам борлигини эсланг.

Садақанинг афзали соғлом вақтда қизганчигили қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолингиздаги қилган садақанингиз. Садақ қилишни узоққа чўзмагн, жонингиз ҳалқумингизга қелганда молимнинг бундаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз

билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молимизги фалончиларники бўлар.

Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши, гўё Оллоҳ йўлида жиход қилувчи ёки кеңалари ибодат ила қоиму, кундузлари руза ила соим юрвчилар билан баробардир.

Жоҳилият ишларидан тўрт нарса борки, уларни умматларим ҳеч тарқ этолмайдилар: 1. Уз насаби билан фахрланиши. 2. Узгалар насабини ерга уриши. 3. Юлдузлардан истиқболнинг сўраши. 4. Дод солиб йўлаши.

Инсониятнинг неча минг йиллик тарихига назар ташласак, кўл билан боғлиқ рамзий маъноларни кўлаб кўриш мумкин. Жумладан, кўҳналик хусусиятига кўра кўл ҳокимият, жамиятдаги юқори максада рамзи бўлган: «хаммаси яратганнинг қўлида» «подшонинг кўл остидаги ерлар» ва бошқалар. «У менинг ўнг қўлим», «қўли калталиқ қилиб қолди» каби жумлаларда кўл рамзининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги ўз аксини топган.

ЧОЙ УЗАТИШ ОДОБИ

Бир қатор халқларда ўнг ва чап кўл билан бажариладиган ҳаракатлар катъий чекланган. Масалан, мугулларнинг тасаввурчига ўнг кўл билангина совға-салом бериш ва олиш, сўт соғиш мумкин. Баъзи халқларда чап кўл вазифаси бешикдаёқ чекланган. Жумладан, серблар чақалқон белаётганда ўнг қўлини чиқариб қўйишган. Бу билан у шайтонларни ҳайдайди деб ишонилган. Муслмон оламида ўнг кўл ҳалол покиза ишларни бажариш рамзи бўлгани учун, бу кўл билан сўрашилган. Ҳатто чой, овқат узатиш ҳозиргача ўнг кўл билан бажарилади.

Гўзаллик институтининг швейцари катта чой-чақа олиши билан ном чиқаришти.

Кандай қилиб бунга эришасиз? - деб сўрапти ошнас.

Э, жуда осон. Аёллар келишганда, уларни «келлинг, опа», - деб қарши оламан, кетишганда эса, «хайр, синглим» - деб кузатаман.

ҲАМ ШАБАССУМ

дан фамилиясини сўранг, биз унинг ота-онасига хабар қилайлик. Доктор, унинг айтишича, ота-онаси фамилиясини жуда яхши билишармиш.

Ажиб дунё

Ойқар - Баҳмалнинг сўлим ва ҳушманзара гўшаларидан бири. Мафтункор табиати кишига завқ, хузур-халоват ва яхши кайфият бахш этади. Чор атрофи Етимтоғ, Учқиз ва Қирқиз тоғлари билан қуршалган. Киши илик, ёзи салқин бўлиб, ҳар қадамда шилдираб оқаётган булоқларни учратасиз. Тоғ ёнбағирларида ястаниб ётган бодом, тоғписта, арча ва турли доривор гиёҳлар кўзни қувонтиради.

Тоғу тошда бўри, ёввойи чўчка, тулки ва қўёнлар беҳисоб, - дейди бизга ҳамроҳ бўлган тоғбеги, қарчига, қора қарға, сўфи қуш, газалай, қаклик ва булбуллар ҳам кўп. Тўда-тўда бўлиб юрган жайраларни айтмай-сизми.

Айик Ойқарда энг кўп тарқалган ҳайвонлардан. Инсон қадами етмайдиган баланд ва нотекис харсанг тошлар ораликларини макон қилиб олган. Асосан кўнгр, қўқимтир ва малларанг турлари учрайди.

Хамроҳимиз бироз тин олди. Уроҳимиз эндида махсус кийим-бош, елкасида дурбин ва кўшотар осиглик, Биз унга ҳалал бермаслик учун гап қўшмадик. У хикоясини давом эттирди.

Чилланнинг аччиқ соғуғи аёвсиз захрини сочарди. Утинчи Қурбон амаки қурган арча шохларини эшағига ўйгайиб ёлғизоёқ йўлдан қайтаркан, йўл четида адашиб қолган айиқчага дуч келиб, оёқ тагидан чиққан тайёр ўлжани дарҳол хуржунига жойлади.

Қурбон амаки ўтинини ҳовлисига тушира-туширмас симтўрдан жой хозирлашга киришиб кетди. Ширинтой набиралар кўзлари мунчоқдек мўлтираб турган айиқча ёнидан асло нари жилмас, хурсандчиликларининг эса чеки йўқ эди.

Хадемай бостирманнинг бир четидан чоқина уйча хозирланиб, жонивор

БОҒ ЧЕТИДАГИ ҒАЛАТИ МАХЛУҚ

сергўшт суяк, мева ва ширинликлар билан парваришлай бошлашди. Унга мос ва чиройли бўйинтирик ҳам тайёр бўлиб, Шертой номи берилди. Вақт ўтган сайн унинг оёқ панжалари йириқлашиб, тирноқлари ўткир бўлиб қолди. Бора-бора Шертой қўшни болаларга ҳам тамоман ўрганиб қолди.

Наврўз байрами тантаналарининг бирида Шертойни одамлар билан гавжум бўлган ўйингоҳга олиб келишди. Унинг болалар ортидан қолмай лапанглаб эргашши ҳамгани хайратлангирар, қичкинтойлар конфет, печенье каби ширинликлар билан сийлашни қанда қилишмасди. Қурбон амакининг қишлоқ юқорисиданги ҳовли боғи тоғ ёнбағирларга чўзилиб кетганди. У баҳорнинг илик кунларида қорда айиқ изларига кўзи тушса ҳам унчалик аҳамият бермаган эди. Кейинчалик кунлар исиб, боғи яқинидаги тепаликда девқомат қўнгр айиқнинг тез-тез пайдо бўлиши уни хавотирга солиб қўйди. Она айиқ атрафига безовталаниб аланлар ва беўхшов йиғингир эди.

Чакрирлмаган меҳмон кейинги сафар келишида тортинмасдан боғ оралаб дарахт шохларига осилганича болга тўлиб келаятган ўрикларни бир четдан пақос тошира бошлади. Ойнинг охирига бориб бодом, олма ва сариқ дўланаларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Хуллас,

ўтинчининг ҳовли боғида тинчлик бўлмади қолди. Сахар пайти эди. Қурбон амаки не кўз билан қўрсиниб, айиқнинг яқини олиб келган бўлса керак, у қадам нарида она айиқ турарди. Утинчи тезликда қўшотарни кўлга олганди, айиқ бир уриб учиб юборди. Кейин эса танасини олдида солиб танасига номунасоиб тезлик билан бурлиди-да, гоийб бўлди. Бир пастда ҳовлида гала-говур ва шовқин-сурон кўтарилди. Бундан хабар топишган қўни-қўшнилари қўлларига илинган нарсалар билан она-бола айиқ ортидан қулашга тушибди. Лекин улар анча олислаб кетишганди.

Тепаликдан эса кетма-кет юмалаб келаятган сандиқдай сандиқдай тош бўлақлари одамларнинг юқорига чиқиб-қулаши имкон бермасди.

Қўрқув ва оғриқдан безовталанаётган ўтинчи қилишидан пушаймон бўлиб, бир ҳафтача қўли ишга бормай юрди. Лекин дарғазаб она айиқ ўтинчи Қурбон амакининг ҳовлибоғи яқинига бошқа йўламади.

А.САИДОВ

Эрталабки нонустадан сўнг Собит ака ҳовлини айланади.

Чоғроққина, қутчадек ҳовли, гул қилиб дарахт экилган. Саратонда ҳам тангадек офтоб тушмайди. Иморотларни Собит аканинг ўзи қурган. Заваодаги ўртқолари хашарга келишганди ўшанда. Эртинча дабдабасиз бўлса ҳам пишқиб қилиб қурилган иморотларга тикиларкан бош қашади. Катта ўғли ҳарбий хизматда, ҳадемай келиб қолади. Тунов кунни мол бозорига бориб яхши ният билан қўй олади. Омонатгина қурилган қўйхонада қўчқор хашак ерди.

Шаҳар-шаҳар-да. Бир боғ хашак фалон пул, шуни ҳам Мали қасосбидан олиб чиқди. У қўшинининг саройдек қилиб қурилган ҳовлисига тикилди. «Қўйхона қуриш керак, - ҳавлидан ўтказди у. - Болалар ҳам қарқашиб юборишар». Шу фикр ҳавлидан ўтди-ю, уйга қайтиб кирди. Шу пайт кичик ўғли Бахтиёр:

- Ада, ада, қўйни қачон қих қиламиз? - деб сўради.

Гулхайри опа Бахтиёрнинг қўлига уриб, қўлидан мурабболо қошиқни олаётди:

- Қўлингиз арт, яшшамагур. Хаммаёқни шира қилдинг, - деди. Кейин қўлимсираб қўшиб қўйди. - Ақанг армиядан келсин, ўшанда қих қиламиз.

Хотиннинг гапига Собит ака қулимсираб қўйди, яхна чоидан бир хўллаб, яна айвон томон йўналди. Зинадан пастга тушар экан, ортидан хотини жавраб қолди.

- Яқинда ўғлимиз армиядан келади. Уйлантириш керак. Қизингиз институтга кириши керак. Бунинг учун пул керак, барака топгур. - Намунача дийдиб қилмасанг. Бошқалардан кам жойимиз йўқ. Яшаримиз бировдан олдин, бировдан кейин, - деди туюқиб Собит ака.

- Сизники доим шу, Қарнақ эрақлар экан, ўти-

ган жойида пул топиб ўтирадиган.

Собит аканинг чинакамига жухли чиқди.

- Нима қилай, ўзимни осайми? Яна нима керак сенга ўзи...

Эрининг дағдағасидан

типирилди. Гулхайри опа қўлини ижирганига боғина қоқаркан, эрига ўқтирди.

- Пишиқ-пухтагина қилиб кураверинг. Урганб қолсақ ҳар йили битта-иккита боқиб турариниз, - шундай дея ошхона томон йўналди.

Шу пайт йўлакда Мали қасосбининг келини кўринди. Тўладан келган гавдасини эшик орқасида қолдириб қия эшикдан Гулхайри опани чакрди.

- Келаверинг, Мадинахон, - идиш-товок юваётган опа

унинг юрагини шигиллатиб юборди. Гулхайри опа уйдаги бор пулга узукни олгиси келди. Лекин ойликкача ҳали бор. Рўзғор нима бўлади?

- Мадинахон, кейинроқ оларман, - деди опа бўшашибгина.

- Одамларга ҳам ҳайронман. Ойлик билан яшаб бўлармишим? - кейин пишиқлаб қўшиб қўйди. - Бизникига чиқинг. Маслаҳатли иш бор. Кейин ўзингиз хурсанд бўласиз. Гулхайри опа

да дастурхонни тўлдириб ташлади. У меҳмондўстликдан ҳам кўра ўзини қурсатиб қўймоқчи эканлигини Гулхайри опа ҳам сезди-ю, дилдагини сиртига чиқармади.

Шу пайт Мадинанинг ўзи гап бошлаб қолди.

- Қараб туриб, опажон, сизларга ҳайрон қоламан. Ҳозир айна бирини икки қиладиган пайт. Болаларингиз ҳам қатта бўлиб қолди. Ҳозир қуруқ ойликка яшайдиган вақтми? Бунинг усти-

Турмуш чорраҳаларида

лишди. Торгина кўчадан ўтиб эскигина дарвоза олдида тўхташди. Мадинага бу хонадон яхши таниш шеклиди, Гулхайри опа шу ерда тура туринг" дея шивирлади-да ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг ранги заҳид, тўлагина, ёши ўтинкираган бир аёл билан чиқди.

- Юринг, - дея имлади Мадина.

Учовлашиб ичкарига киришди. Атрофи пастаккина қурилган уйлар билан ўралган кичик ҳовли. Аёл улар-

тига каттагина бир бўҳча келтириб қўйди-да, уни очиб атрофига ҳар хил қимматбаҳо матоларни ёйиб ташлади. Мадина эса уларни қайта тугаркан бидирлаганича:

- Опа ҳам бозорга аралашмаганлар, ҳаммасини ўзим ўргатиб қўяман.

Фотима хола яна хўрайганча ташқарга чиқди. Мадина Гулхайри опага бўҳчани тутқазиб-да кампининг орқасидан йўналди. У бўҳчани қучоқлаганча уйда қаққайиб туриб қолди. Шу пайт дераза орқасида уларнинг шивир-шивирлаб гаплашгани эшитилди. Дераза тарқалаб ёпилди. Гулхайри опа ташқарига чиқди ҳайратдан ёқасини ушлади. Соқларни тўзғиб кетган Мадина Фотима хола билан ёқалашарди. Оёқ-қўлларига мазулаб кетган Гулхайри опа бўҳчани четга улоқтириб-да, уларни зўрга ажратди. Ранги ўчиб юзи тирналган Мадина кампинга ўширди.

- Иймонсиз, пулнинг ярмасини олиб қолибди-я. Ебтўямас, мен сени шундай шармандангини чикарайки...

Умида бундай беҳаёликни кўрмаган Гулхайри опа жуда кўрқиб кетганди. Мадина қарғана-қарғана кўчага чиқди. Улар уйларига етиб келишганда кун пешиндан оққанди. Гулхайри опа Мали қасосбининг дабдабали иморатига тикилди. Лекин у илгаригидек шохона кўринмасди. Ҳовлида эса Собит ака қўйхонани деярли битказиб қўйганди.

Н.РАФИКОВ

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджан Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибиёт 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.